

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**БИЛОЛОВА ЗАМИРА БАХТИЯРОВА**

**ТУРМУШ ҚУРИШ ЁШИДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ОТА-ОНАЛИККА**  
**ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
психологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
psychological Sciences**

**Билолова Замира Бахтияровна**

Турмуш қуриш ёшидаги йигит-қизларни ота-оналикка тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари.....3

**Билолова Замира Бахтияровна**

Социально-психологические аспекты подготовки юношей и девушек брачного возраста к родительству.....25

**Bilolova Zamira Bakhtiyarovna**

Socio-psychological aspects of preparing boys and girls of marriage age for parenthood.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**БИЛОЛОВА ЗАМИРА БАХТИЯРОВА**

**ТУРМУШ ҚУРИШ ЁШИДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ОТА-ОНАЛИККА**  
**ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.Phd/Psi 26.рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қодиров Умарали Дўстқобилович**  
психология фанлари доктори, профессор

**Абдусаматов Хасанбой Усмонжон ўғли**  
психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**К.Б.Қодиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари психология фанлари доктори, профессор

**Н.Б.Атабаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**З.Т.Нишоновна**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда оталик ёки оналик мақомига эга бўлишнинг ноанъанавий кўринишларининг кўпайиши, оила-никоҳ муносабатларининг трансформацияси, ёшларнинг қурадиган оилаларида тарбиявий функция расмий талабларига нисбатан эътиборсизлик ҳолатларининг жамиятга салбий таъсир этиши сабабли оилани мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш долзарблашиб бормоқда. «...Бундай тенденциялар, жумладан, оилани ижтимоий институт сифатида қайта қуриш билан боғлиқ бўлиб, бу шахснинг ривожланиши учун янги ижтимоий вазиятни келтириб чиқаради...»<sup>1</sup>. Бу борада ота-она маъсулияти ва фарзандлар тарбияси масалаларининг ўзаро алоқаларини сақлаб қолиш, оила муҳитида келажак авлод шаклланишини инобатга олиш, турмуш қурмаган йигит-қизларда оила муқаддаслиги ва оила муносабатларига масъулият билан ёндашиш психологиясини шакллантиришда уларнинг никоҳгача ижтимоий тасаввурларини прогнозлаш масалалари долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида мустаҳкам оила муносабатларига салбий таъсир этадиган ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш, шахсга таъсир этадиган турли даражадаги ижтимоийлашув масканларида ўзаро муносабатларни ўрнатиш, психологик муҳитни барқарорлаштириш масалаларига доир илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада оиланинг барбод бўлиши ҳолатларининг қайд этилиш даражаси ортиб бораётган шароитда оила институтини мустаҳкамлаш ишига алоҳида илмий, амалий, янгича ёндашув орқали ечимларини топиш, ёшларнинг оила ва жамиятдаги ролига нисбатан муносабатини ўзгартириш, шахслараро муносабатларда юзага келадиган турли даражадаги муаммоли вазиятлардан халос бўлишнинг психологик таъсир усуллари илмий тадқиқ этиш, турмуш қуриш ёшидаги йигит-қизлар тарбиясида юзага келадиган турли салбий кўринишларнинг педагогик-психологик жиҳатларини ижтимоий-психологик таҳлил этиш асосида илмий хулосалар ишлаб чиқиш масалалари даврнинг долзарб муаммоларидан бўлиб қолмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда ёш авлодни тарбиявий жиҳатдан маънавий юксалтириш, мустақил ҳаётга тайёрлашнинг зарур ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди. «...Турмуш қурган ёшлар орасида ҳаётни енгил-елпи тасаввур қилиш, оила муқаддас эканини тушуниб етмаслик ҳолатлари афсуски, учраб турибди. Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш ишларини аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур...»<sup>2</sup> вазифаларни қайд этилиши

<sup>1</sup> Концепция развития психологической службы в системе образования в Российской Федерации на период до 2025 года. <https://rulaws.ru/acts/Kontseptsiya-razvitiya-psiologicheskoy-sluzhby-v-sisteme-obrazovaniya-v-Rossiyskoy-Federatsii-na-period-do/>

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. 2018 йил 7 март куни халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирдаги нутқи. [www.uz.uz](http://www.uz.uz). 09.03.2018 й.

долзарб бўлиши билан бирга тадқиқот мавзусини илмий ўрганишга мустаҳкам асос бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 1 мартдаги ПФ-81-сон «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар доирасида белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертацион тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда ёшларни оилавий ҳаётга, хусусан ота-оналикка тайёрлаш, ота-она ва фарзанд муносабатлари тизимини яратиш, уни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларнинг айрим жиҳатларини психолог олимлардан Ф.А.Акрамова, Р.М.Абдуллаева, Ҳ.У.Абдусаматов, Р.Х.Душанов, В.М.Каримова, Х.К.Каримов, Н.Х.Лутфуллаева, Г.И.Ниязметова, З.А.Расулова, Ф.Р.Рўзикулов, У.С.Сарибаева, Н.А.Соғинов, Р.С.Самаров, Б.М.Умаров, М.А.Утепбергенов, М.Х.Файзиева, Ғ.Б.Шоумаров, Г.Х.Юнусова, У.Д.Қодиров ва бошқалар илмий тадқиқ этишган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари психолог, социолог олимларидан А.Н.Антонов, Т.В.Андреева, С.И.Голод, С.Ковалёв, К.Миханович, Н.В.Малярова, Н.Н.Обозев, В.Н.Уколова, В.В.Солодников В.Е.Семёнов, Л.В.Толстова, Э.Г.Тийд, А.Г.Харчев ва бошқаларнинг илмий ишларида никоҳ қуриш мотивлари, оила ва оилавий муносабатлар психологияси, оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик омилларига оид муаммолар илмий тадқиқ этилган.

Хориж олимларидан L.Bumpass, R.C.Bean, E.T.Burgess, D.E.Delis, M.Kampbell, G.E.Krayg, J.Kvet, S.D.Kratoxvil, J.Lofas, T.C.Martin, M.Odema, T.Parsons, K.M.Shafer, L.B.Shneyder, G.Roland, C.Rogers, M.M.Sveyeney, L.G.Terman, P.D.Vollin ва бошқалар оилавий муносабатлар, оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик муаммоларини илмий тадқиқ этишган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертацион тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика

университети илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ПЗ-20170923121-рақамли «Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

**Тадқиқот мақсади** турмуш қуриш ёшидаги йигит-қизларни ота-оналикка тайёрлаш масаласини илмий тадқиқ қилиш, ёшларда ота-оналик маъсулиятини шакллантириш борасида амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

турмуш қуриш ёшидаги йигит-қизларни ота-оналикка тайёрлаш муаммосини долзарб психологик муаммо сифатида илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асослаш ҳамда амалиётдаги мавжуд ҳолатни ўрганиш;

турмуш қуриш ёшидаги йигит-қизларни ота-оналикка тайёрлаш муаммосининг шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий-психологик жиҳатларни эмпирик тадқиқ этиш, оилавий ҳаётга, ота-оналикка тайёрлашга таъсир этувчи омилларни ўрганиш;

турмуш қуриш ёшидаги йигит-қизларни ота-оналик маъсулияти, оиладаги роллар тақсимотига оид тушунча ва тасаввурларини ижтимоий-психологик жиҳатдан таҳлил қилиш;

ёшларда ота-оналик маъсулиятини шакллантириш борасида психолог ва маҳалла мутахассисларининг профессионал фаолият самарадорлигини таъминлашга оид зарур амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида турмуш қуриш ёшидаги йигит-қизларни ота-оналикка тайёрлаш жараёни танланган бўлиб, тадқиқотда барча вилоятлар бўйича 1400 нафар (16-18 ёшли) қизлар, ҳарбий хизматдаги (18-22 ёшли) 350 нафар аскар йигитлар, 160 нафар турмуш қуриш ёшидаги (18-23 ёшли) йигит-қизлар; 300 нафар ота-оналар, 100 нафар маҳалла мутахассислари жалб этилди. Респондентларнинг жами сони 2310 нафарни ташкил этди.

**Тадқиқот предмети**ни турмуш қуриш ёшидаги йигит-қизларни ота-оналик ролларига оид тасаввурлари, установкалари ҳамда ота-оналикка тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда кузатиш, суҳбат, контент-таҳлил методлари, шунингдек, «Йигит-қизларнинг ота-оналик ҳақидаги тушунча ва тасаввурларини ўрганиш» ижтимоий-психологик сўровномаси, «Йигит-қизларнинг ҳаётий мақсад ва оилага оид қадриятларига маънавий-маърифий омиллар таъсирини ўрганиш» ижтимоий-психологик сўровномаси (ИПС), Е.Шефернинг «Ота-оналик ролига установка ва муносабатларини аниқлаш» (PARY) сўровномаси, Ю.Е.Алешина, Л.Я.Гозманларнинг «Оилада роллар тақсимоти» методикасининг модификациялашган варианты, М.Кун ва Т.Макпартлендларнинг «Мен кимман?» тести, Р.Кэттелнинг «Шахсни 16 фактор (омил) ёрдамида ўрганиш» тестининг қисқартирилган вариантыдан фойдаланилди, олинган натижаларнинг ишончлилиги математик статистик методлардан фойдали таҳлил, Стъюдентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг r-корреляция коэффициенти орқали тасдиқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

турмуш куриш ёшидаги йигит-қизларнинг ота-оналик ҳақидаги тасаввурларини шаклланишида ижтимоий роллар трансформацияси билан боғлиқ установакаларнинг интенсив ривожланиши туфайли ота-оналикка тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари муҳим омил эканлиги асосланган;

ёшларни ота-оналикка тайёрлашда миллий қадриятлар трансформацияси натижасида шахснинг ўз-ўзига берадиган баҳосининг рефлексив жиҳатларини хулқ-атворда дифференциал ифодаланиши туфайли ижтимоий стереотиплар психологик тўсиқ сифатида таъсир кўрсатиши исботланган;

оила регенерацияси таъсирида отасиз ёки онасиз ўсаётган фарзандларнинг хулқ-атворида ота-оналик андозасининг ноадекватлигини бартараф этиш учун ижтимоий масканларнинг ҳамкорлиги ва иштироки аҳамиятли эканлиги далилланган;

турмуш куриш ёшидаги йигит-қизларни ота-оналикка тайёрлашда ота-она-бола муносабатлари тизимидаги ижтимоий ролларни эмпатиявий идентификациялаш хусусиятини ривожланиши муҳимлигига кўра «Замонавий ота-она» моделини киритиш зарурати асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотдан олинган натижалар ва илгари сурилган илмий хулосалар, йигит-қизларни ота-оналикка тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари ва этнопсихологик хусусиятлари тизимлаштирилган;

турмуш куриш ёшидаги йигит-қизларни ота-оналикка тайёрлаш ва ота-оналик ҳақида адекват тасаввурларни шакллантиришда қўлланма бўлувчи муаллифлик «Замонавий ота-она» модели ишлаб чиқилган, афзалликлари аниқланиб, оилалар билан иш олиб борувчи мутахассислар фаолиятида қўлланилган;

«Оила энциклопедияси», «Фарзандингиз нимани истайди?» илмий-оммабоп қўлланма; «Оила сабоқлари» (№ DGU 08220, 10.02.2020), «Репродуктив саломатлик» (№ DGU 07920, 10.02.2020), «Ота-оналар учун қўлланма» (№ DGU 07918, 10.02.2020) мобил иловалари ишлаб чиқилган;

«Ёшларни мустаҳкам оилавий муносабатларга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик йўналишлари» монографияси (гувоҳнома № DGU 003123, 25.01.2021); «Мустаҳкам оила – жамият таянчи», «Оила муқаддас», «Ажрашишнинг фарзандларга таъсири», «Ота-она меҳри», «Фарзандлар келажаги ўзимизга боғлиқ», «Интернет ва болалар» ижтимоий видео роликлар яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, халқаро миқёсда тан олинган методик воситалар, маълумотларнинг репрезентативлиги, эмпирик изланишлар назарий чуқур асослаб берилганлиги; олинган натижаларнинг ишончли илмий манбаларга асосланганлиги; усул ва маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ишончли ва самарадор замонавий математик-статистика усулларида фойдаланилганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги ҳамда ваколатли орган ва тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти йигит-қизларни ота-оналикка тайёрлаш бўйича ижтимоий-психологик, этнопсихологик хусусиятлари ҳақидаги илмий тасаввурларни тўлдиради ва унда кўрсатилган муаммо ҳамда уни ечиш учун таклиф этилган ёндашув оила психологияси соҳасидаги илмий изланишлар, хусусан, ота-оналик маъсулияти шаклланишининг ижтимоий-психологик жиҳатлари бўйича илмий изланишларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини очиб беради.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертацион тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган илмий-услубий қўлланма, илмий-оммабоп рисолалар, мобил иловалар ва ижтимоий роликлар асосида йигит-қизларни ота-оналикка психологик тайёрлашда, улар билан олиб бориладиган ижтимоий-психологик ишлар йўналишини аниқлаштиришда, тўпланган материал ва натижалардан «Оила психологияси», «Ижтимоий психология», «Шахс психологияси», «Психологик маслаҳат» ўқув фанлари бўйича маъруза ва амалий машғулотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Турмуш қурмаган йигит-қизларни ота-оналикка тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари юзасидан ўтказилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

турмуш қуриш ёшидаги йигит-қизларнинг ота-оналик ҳақидаги тасаввурларини шаклланишида ижтимоий роллар трансформацияси билан боғлиқ установкаларнинг интенсив ривожланиши туфайли ота-оналикка тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари муҳим омил эканлигини изоҳлашга оид таклифлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 24 декабрдаги ПМ-83-а-сонли буйруғи билан «Оила психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 24 декабрдаги ПМ-83-а-сон маълумотномаси). Натижада амалиётчи психологлар учун ва турмуш қуриш ёшидаги ёшлар учун амалий жиҳатдан касбий тайёргарлик даражасини ошириш, бу борадаги зарур билимларни кучайтиришга эришилган;

ёшларни ота-оналикка тайёрлашда миллий кадриятлар трансформацияси натижасида шахснинг ўз-ўзига берадиган баҳосининг рефлексив жиҳатларини хулқ-атворда дифференциал ифодаланиши туфайли ижтимоий стереотиплар психологик тўсиқ сифатида таъсир кўрсатишига оид хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 24 декабрдаги ПМ-83-а-сонли буйруғи билан «Оила психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 24 декабрдаги ПМ-83-а-сон маълумотномаси). Натижада амалиётчи психологлар учун ва турмуш қуриш ёшидаги ёшлар учун амалий жиҳатдан касбий тайёргарлик даражасини ошириш, бу борадаги зарур билимларни кучайтиришга эришилган;

оила регенерацияси таъсирида отасиз ёки онасиз ўсаётган фарзандларнинг хулқ-атворида ота-оналик андозасининг ноадекватлигини бартараф этиш учун ижтимоий масканларнинг ҳамкорлиги ва иштироки аҳамиятли эканлиги

далилланган илмий хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 24 декабрдаги ПМ-83-а-сонли буйруғи билан «Оила психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 24 декабрдаги ПМ-83-а-сон маълумотномаси). Натижада психологларнинг оилавий маслаҳатни ташкил этишга оид билимларини ривожлантиришга эришилган;

турмуш қуриш ёшидаги йигит-қизларни ота-оналикка тайёрлашда ота-она бола муносабатлари тизимидаги ижтимоий ролларни эмпатиявий идентификациялаш хусусиятини ривожланиши муҳимлигига кўра «Замонавий ота-она» моделини киритиш зарурати асосланган илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги «Маҳалла ва оила» илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 30 июндаги 01-11/219-сон далолатномаси, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 24 декабрдаги ПМ-83-а-сонли буйруғи билан «Ижтимоий психология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 24 декабрдаги ПМ-83-а-сон маълумотномаси). Натижада маҳалла мутахассислари, амалиётчи психологларнинг муаммоли оилаларга психопрофилактик, психологик маслаҳат турлари услубий ва мазмунан такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 12 та республика ва 8 та халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, зарурати, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши билан боғлиқ маълумотлар илмий жиҳатдан асосланган.

Диссертациянинг «**Ижтимоий психологияда ота-оналикка тайёрлаш муаммосининг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида оила, ёшларни ота-оналикка тайёрлаш муаммосини илмий тадқиқ этишнинг

зарурати ва халқаро ижтимоий моҳияти; Шарқ мутафаккирлари қарашлари ва ўзбек ижтимоий психологиясида ота-оналикка тайёрлаш муаммосининг ўрганилганлик ҳолати; ёшларни ота-оналикка тайёрлашнинг хориж психологиясида тадқиқ этилганлигига оид тадқиқотларнинг назарий ва илмий-методологик таҳлили баён этилган. Бинобарин, «Оила, ёшларни ота-оналикка тайёрлаш муаммосини илмий тадқиқ этишнинг зарурати ва халқаро ижтимоий моҳияти» деб номланган биринчи бўлимда ажрашишлар ёки никоҳсиз туғилган болалар сонининг кўпайиши ва тарбияда ота-оналар маъсулиятсизлиги бола тақдири ва тарбияси масаласида муаммоларни юзага келтириши: натижада ўсмирлар орасида жиноятчилик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий ижтимоий ҳодисалар кўпайиши, кейинчалик хунук одатларни ўзига сингдирган, оила қуришга тайёр бўлмаган ёшлар турмуш қуриб, табиийки, ота-оналарининг хатоларини такрорлаши, бу эса табиийки, оила бошлиқлари бўлган ота-онанинг ўзи тарбияга муҳтожлиги ва шунга кўра ҳозирги даврда оилаларни психологик билимлар билан қуроллантириш муҳим зарурат эканлиги ижтимоий-психологик жиҳатдан таҳлил этилган.

Биринчи бобнинг иккинчи бўлимида **«Шарқ мутафаккирлари қарашлари ва ўзбек ижтимоий психологиясида ота-оналикка тайёрлаш муаммосининг ўрганилганлик ҳолати»** таҳлил этилган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» - мумтоз манба сифатида оила-никоҳ, никоҳ шартлари, ота-оналарнинг бурчи ва вазифалари, уларнинг фарзандлари билан муносабатлари, оилада эркак ва аёлнинг ўрни, уйланиш ва келин бўлиш хусусидаги ғоятда қимматли фикрларнинг мажмуаси эканлиги; Муқаддас Ислом динининг асосий манбалари ҳисобланган Қуръони Карим ва Ҳадисларда оилавий муносабатлар, оилавий тарбия масалаларига эътибор берилганлиги; Шарқ мутафаккирларидан Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Қайковус ва бошқаларнинг оилани асосий муқаддас маскан сифатида эътироф этиши, оила-никоҳ муносабатлари, оилада ота-онанинг вазифалари ва шахслараро муносабатлар, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ота-она ва яқин кишиларнинг йўналтирувчи ва тарбияловчи вазифаларига алоҳида эътибор кўрсатилган. Уларнинг никоҳ-оила масалаларида билдирган ибратли фикрлари бугунги кунда ҳам улкан фалсафий, психологик ва мафкуравий аҳамият касб этади.

Мазкур бўлимда мантиқий ва узвий кетма-кетлик сифатида ўзбек ижтимоий психологиясида ота-оналикка тайёрлаш муаммосининг ўрганилганлик ҳолати баён этилган. Маълумки, оиланинг жамият олдидаги асосий вазифаларидан бири бу - фарзанд тарбиялашдир. Ўзбек оилаларида ушбу вазифани бажариш қадрият даражасига кўтарилган бўлиб, бола тарбиясида этнопсихологик хусусиятларнинг намоён бўлиши масалаларини психолог олимлардан М.Г.Давлетшин, Г.Б.Шоумаров, Э.Ғ.Ғозиев, В.М.Каримова, Н.А.Соғинов, Р.Самаров, Ў.Б.Шамсиев, У.Д.Қодиров, Ф.А.Акрамова, З.А.Расулова, Ф.Рўзиқулов, Х.К.Каримов, М.С.Салаева, Р.М.Абдуллаева, Н.Х.Лутфуллаева, Ҳ.Абдусаматов, Д.У.Абдуллаева, М.Йўлдошев ва бошқаларнинг оила, шахслараро муносабатлар, оила мустаҳкамлигига таъсир

кўрсатувчи турли омилларини ўрганишга эътибор қаратганликлари илмий таҳлил этилган.

Биринчи бобнинг учинчи бўлимида **«Ёшларни ота-оналикка тайёрлашнинг хориж психологиясида тадқиқ этилганлиги даражаси»** илмий таҳлил этилган. Жумладан, ота-она ва фарзандлар муносабати, ота-оналик маъсулияти ва оилада бола тарбияси масалаларини махсус илмий тадқиқот предмети сифатида илк бор ўрганиш хорижий психологияда XVII-XVIII асрлардан кенг йўлга қўйила бошланган. Хориж психолог, психоаналитиклардан З.Фрейд, Э.Фромм, Анна Фрейд, С.Ливен, Р.А.Шпиц, Г.Ф.Харлоу, Масару Ибука ва бошқалар; Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари психолог олимларидан А.Н.Антонов, Т.В.Андреева, Е.Ф.Ачильдиева, С.И.Голод, И.В.Гребенников, Н.А.Ефремова, Е.И.Зритнев, Е.С.Калмыкова, С.Ковалёв, О.К.Лосева, К.Миханович, Н.В.Малярова, Н.Н. Обозев, В.Н.Уколова, В.В.Солодников, В.Е.Семёнов, В.А.Сысенко, Л.В.Толстова, Э.Г.Тийд, А.Г.Харчев, Л.Б.Шнайдер, З.А.Янкова ва бошқаларнинг илмий ишларида никоҳ қуриш мотивлари, оила ва оилавий муносабатлар психологиясининг долзарб муаммоларига оид далиллар ёритиб берилган. Таҳлилдан кўринадики, ёшлар ва ота-оналик муносабатлари қадимдан илмий жамоатчиликнинг диққат марказида муҳим масалалар сифатида эътироф этилиб келинган.

Бизнинг фикримизча, ёшларни оила қургунгача ота-оналикка тайёрлаш муаммоси долзарб мавзу бўлиб, ёшларда оила илми, уларнинг оила қургач, келгусидаги оилага оид масалаларда саводхонлигига эътибор қаратиш ижтимоий психология ва этнопсихология ихтисослиги учун муҳимдир.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Ота-оналикка тайёрлаш муаммосининг методологияси ва ёшларни ота-оналикка оид ижтимоий-психологик тасаввурлари»** деб номланган бўлиб, 4 та бўлимдан иборат. Мазкур бобда ота-оналикка тайёрлаш муаммосини эмпирик тадқиқ этиш методологияси, турмуш қуриш ёшидаги қизларни оналик ролига нисбатан ижтимоий-психологик тасаввурлари, турмуш қуриш ёшидаги йигитларнинг оталик ролига нисбатан ижтимоий-психологик тасаввурлари, нотўлиқ оилаларда тарбияланаётган йигит-қизларнинг ота-оналик ролига нисбатан ижтимоий-психологик тасаввурлари амалий тадқиқ этилган ҳамда таҳлили амалга оширилган. Жумладан, «Ота-оналикка тайёрлаш муаммосини эмпирик тадқиқ этиш методологияси» деб номланган биринчи бўлимда тадқиқот учун танланган методикаларнинг зарурати, қўлланилиш шартлари ва методикаларнинг моҳияти асосланган.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлимида турмуш қуриш ёшидаги қизларни оналик ролига нисбатан ижтимоий-психологик тасаввурлари махсус тузилган муаллифлик ижтимоий-психологик сўровномаси орқали аниқланган. Жумладан, Сўровномада қатнашган қизларга “Сиз ўзингизни оила қургандан сўнг оналик маъсулиятига тайёр деб ҳисоблайсизми?”-деган савол билан муносабат этилди.

Мазкур савол натижаларида 12 % қизлар “ҳа, тайёр деб ҳисоблайман” жавобини танлаганликлари аниқланди, қолган 88 % лари тўлиқ тайёр эмасликлари, ўзларини тайёр деб ҳисобламасликлари, бу борада билимлари камлик қилишини билдиришган.

Тадқиқотда ўспирин ёшидаги қизларда оила ҳақидаги тасаввурлари мукамал бўлмаган турли стереотипларга асосланган эканлиги 1-жадвал намоён бўлди. Жадвалда натижаларидан кўринадики, ҳақиқатан ҳам қизларнинг оилавий ҳаёт ва “идеал эр” ҳақидаги тасаввурлари турли стереотипларга асосланган тарзда намоён бўлмоқда, чунки, жавобларда келтирилган таърифлар тенг аҳамиятга эга бўлган тушунчалар бўлиб, оила мустаҳкамлигини биргаликда бўлгандагина таъминлай олади.

**1-жадвал.**

**“Сизнингча, турмуш ўртоқ оилада ким?” саволи натижалари,  
N – 1400, % да**

№	Жавоблар	сони	%
1.	дўст, менинг ҳамма фикрларимни тушунади	378	27,0
2.	ота, фарзандларимни комиллик сари етаклайди	182	13,0
3.	ёр, мен унга доим ишонаман, талпинаман	196	14,0
4.	оила бошлиғи, оиланинг муҳим қарорларини қабул қилади	476	34,0
5.	куёв, менинг ота-онамнинг дуосини олади	56	4,0
6.	Ҳаммаси	112	8,0
	<b>Жами</b>	<b>1400</b>	<b>100%</b>

Иккинчи бобнинг учинчи бўлимида турмуш қуриш ёшидаги йигитларни оталик ролига нисбатан ижтимоий-психологик тасаввурлари муаллифлик ижтимоий-психологик сўровномаси орқали аниқланган. Йигитларга “Сиз ўзингизни оила қургандан сўнг оталик масъулиятига тайёр деб ҳисоблайсизми?”-деган савол билан мурожаат этилди, 1-расмга қаранг.

Мазкур савол натижаларида 31 % йигитлар “Ҳа, тайёр деб ҳисоблайман” жавобини танлаганликлари аниқланди, қолган 69 % йигитлар тўлиқ тайёр эмасликлари ва ўзларини тайёр деб ҳисобламасликлари, бу борада билимлари камлик қилишини натижаларда акс эттиришган.


**2-жадвал.**

**“Сиз ўзингизни оила қургандан сўнг оталик масъулиятига тайёр деб ҳисоблайсизми?” саволи натижалари, N – 350, % да**

№	Жавоблар	сони	%
1.	Ҳа, тайёр деб ҳисоблайман	90	31,0
2.	Бироз тайёр деб ҳисоблайман	60	17,0
3.	Тайёр деб ҳисобламайман	85	20,0
4.	Бу борада билимларим кам деб ҳисоблайман	115	32,0
	<b>Жами</b>	<b>350</b>	<b>100%</b>

Тадқиқотда шунингдек, йигитларда ҳам оила ҳақидаги тасаввурлари мукамал бўлмаган турли стереотипларга асосланган тарзда намоён бўлиши аниқланди. Масалан, “Оилада тарбиялаш вазифасига фақат аёллар масъулдирлар” деб берилган таъкидга йигитларнинг 56 %и “Қўшилмайман”, 21

%и “Ҳақиқатга яқин томони ҳам бор” ва 23 %и “Қўшиламан” жавобларини белгилашган, 1-расмга қаранг.



**1-расм. “Оилада тарбиялаш вазифасига фақат аёллар масъулдирлар” фикр бўйича натижалари, % да**

Бундан, 23 % синалувчи-йигитлар тасаввурларида оиланинг тарбиялаш вазифасига фақатгина аёлларни масъул деб биладилар ва 21 % йигитлар эса ушбу таъкиднинг ҳақиқатга яқин томони ҳам бор деб қарайдилар. Бу эса, 44 % синалувчиларда тарбияда отанинг ўрнини, оталик маъсулиятини англамаслигини кўрсатади.

**3-жадвал.**

**“Оиладаги эркак мавқеини сақлашда йигитлар тарбиясига қандай ёндошиш зарур деб ҳисоблайсиз?” саволи натижалари, % да**

№	Жавоблар	Самарқанд	Фарғона	Тошкент вилояти	Жами	%
1	Оиладаги маънавий муҳитни шакллантира оладиган билимларга эга қилиб	24	25	45	94	29,0
2	Оилани моддий эҳтиёжларини қондира оладиган ҳунарли ва касб эгаси қилиб	4	10	20	34	10,0
3	Оила аъзоларини саломатлигига, дам олишларига эътиборли ва ғамхўр инсон қилиб	7	7	6	20	6,0
4	Фарзандларини маънан, руҳан ва ақлан тарбиялай оладиган етук инсон қилиб	41	31	60	132	41,0
5	Юқоридагиларнинг барчаси	18	7	19	44	14,0
	<b>Жами</b>	<b>94</b>	<b>80</b>	<b>150</b>	<b>324</b>	<b>100%</b>

Миллий қадриятларимизга кўра, бола тарбиясининг асоси отанинг қаттиққўллиги, онанинг меҳрибонлигидадир. Бола ота-онанинг бутун фаолиятидаги ҳаракатларини ибрат билиб онгига жойлаб, улғайгач, уларни ҳаётига жорий этади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, оилада ота ролининг кучсизланиши бу катта ижтимоий фожиадир. Боиси, бу ҳолатда оиланинг барча ички ва ташқи тизими, ўзини идора қила билиш ва мукамал интизомга бўлган интилиш ҳам йўқолади.

Оилада эркак мавқеини сақлаш ҳозирги кунинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги, йигитларда оиланинг бошқарувиси ва боқувчиси ролини мустаҳкамлаш зарурлиги, фарзанд тарбиясида масъулиятни ошириш кераклиги тадқиқотларимизда ҳам ўз ифодасини топди. Бундай жиддий вазифани бажариш учун бир неча саволлардан иборат сўровнома тузилди. Қуйида “Оиладаги эркак мавқеини сақлашда йигитлар тарбиясига қандай ёндошиш зарур деб ҳисоблайсиз?” саволига қўйилган 5 та жавоб намуналарига Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари респондентларининг берган жавоблари келтирилган, 3-жадвалга қаранг.

Респондентларга “Оиладаги эркак мавқеини сақлашда йигитлар тарбиясига қандай ёндошиш зарур деб ҳисоблайсиз? саволи берилди ва “Фарзандларини маънан, руҳан ва ақлан тарбиялай оладиган етук инсон қилиб” (41 %), “Оиладаги маънавий муҳитни шакллантира оладиган билимларга эга қилиб” (29 %) ва “Оилани моддий эҳтиёжларини қондира оладиган ҳунарли ва касб эгаси этиб” (10 %) тарбиялаш деб белгилаганликлари аниқланди.

Иккинчи бобнинг тўртинчи бўлимида нотўлиқ оилаларда тарбияланаётган йигит-қизларнинг ота-оналик ролига нисбатан ижтимоий-психологик тасаввурлари тадқиқ этилган, 4-жадвалга қаранг.

#### 4-жадвал.

**“Сиз ўзингизни оила қургандан сўнг оталик ва оналик ролига тайёр деб ҳисоблайсизми?” саволи натижалари, % да**

№	Жавоблар	қизлар		йигитлар	
		Т.о.	Н.о.	Т.о.	Н.о.
1.	Ҳа, тайёр деб ҳисоблайман	12,0	9,0	31,0	17,0
2.	Бироз тайёр деб ҳисоблайман	21,0	10,0	17,0	15,0
3.	Тайёр деб ҳисобламайман	24,0	25,0	20,0	23,0
4.	Бу борада билимларим кам деб ҳисоблайман	43,0	56,0	32,0	45,0
	<b>Жами</b>	<b>100%</b>	<b>100%</b>	<b>100%</b>	<b>100%</b>

Изоҳ: Т.о – тўлиқ оила; Н.о – нотўлиқ оила

Натижалар нотўлиқ оилада тарбияланаётган йигит-қизлар тасаввурларида ота-оналик ролига нисбатан хавотирланиш юқорироқ эканлиги, келажак авлодни соғлом тарбиялай олишда билимлари ва ўзларига ишонч кам эканлигини кўрсатади. Бу ҳолат эса уларнинг келгусида ота-оналик ролига тайёр бўлмасликлари, яъни оила муҳитида она ёки ота билан биргаликда яшаш улар

психологиясида норозилик, хафагарчилик, ёки бошқа кишиларни кўролмаслик ҳисларини янада чуқурроқ шакллантириши мумкинлигини кўрсатади. Аламзадалик, ўзини солиштириш, ҳаётдан норози бўлиб юриш натижасида келгуси қурадиган оилавий ҳаёти шундай андозага кўникиши ва қабул қилишига асос бўлиб қолади.

Турмуш қурмаган, уйланмаган ҳали ёш йигит-қизларимиз асосан ота-оналарининг ҳаётдан, бевосита ўзлари яшаётган оила муҳитидан намуна, андоза сифатида оладилар. Лекин, нотўлиқ оилада усаётган фарзандлар учун намуна-андоза йўқолади ва ролларни тасаввур қилишда хавотирланиш ва билимсизлик вужудга келади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Турмуш қуриш ёшидаги йигит-қизларни ота-оналикка тайёрлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари**» деб номланган бўлиб, 3 та бўлимдан иборат. Ушбу бобда оила муносабатларида ота-оналик роли ва установакаларининг намоён бўлиши, йигит-қизларни ота-оналикка тайёрлашда шахсга ва жинсга оид психологик хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари, йигит-қизларни ота-оналикка тайёрлашда «Замонавий ота-она модели»дан фойдаланишнинг аҳамияти далилланган.

Учинчи бобнинг биринчи бўлимида ўзбек оилаларида ота-оналарнинг ота-оналик ролига нисбатан установакаси ва муносабатлари хусусиятларини ўрганиш орқали турмуш қуриш ёшидаги йигит-қизларни ота-оналикка тайёрлаш мақсадида немис олими Е.Шефер томонидан таклиф этилган “Ота-оналик установака ва муносабатларини аниқлаш” (PARY) методикасидан фойдаландик, 5-жадвалга қаранг.

Болалардаги тажовузкорликни босиш ҳақида маълумот берувчи 12-шкала бўйича кўрсаткичлар (ота-оналар ўртасидаги фарқ ишончилиги  $t=1.44$   $P<0.05$ га тенг) бўлиши ота-оналарнинг боланинг ёш даврига оид хусусиятларини яхши билмасликлари, фарзанд тарбиясида низоларни юзага келишига ота-оналарнинг ўзлари сабабчи бўлиб қолишлари мумкин бўлиши кўринади. «Болаларнинг ота-онага тобелигини рағбатлантириш» тўғрисида маълумот берувчи 11-шкала кўрсаткичларига кўра балларнинг юқори бўлиши бола тарбиясига муносабат ва установакада авторитарликнинг мавжудлигини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам ўзбек оилаларида ота-она мавқеи, ҳурмати, уларнинг болага нисбатан ҳақлиги, болаларнинг уларга итоаткор бўлишлиги кабилар кучли ифодаланади.

Методика бўйича олинган натижалар ва уларнинг таҳлили ота-оналарнинг ота-оналик ролига установакалари ва муносабатларида: ота-оналарнинг фарзандларга нисбатан ўта ғамхўрлиги, уларга зиён етказиб қўйишдан қўрқиш, уларга тобелигини рағбатлантириш, тажовузкорликни босиш каби хусусиятларнинг кучлилиги намоён бўлади; фарзандлар билан дўстона муносабатлар ўрнатиш билан бирга бола билан бўладиган мулоқотдан қочиш ҳолати ҳам мавжуд эканлиги: тарбиядаги диктат, бола иродасини, хоҳиш-истагини босиш, уларга нисбатан қаттиққўл, талабчан бўлиш каби хусусиятлар, бола тарбияси борасида кўпроқ қайғуриш оналарда оталарга нисбатан кучлироқ ифодаланганлигини кўрсатади. Бундай натижалар келгусида оиладаги ўзаро муносабатларга салбий таъсир этиши, низоларни юзага келишига замин яратиши нуқтаи назаридан ота-оналарни фарзанд тарбияси ва психологиясига доир билимларини кенгайтиришга аҳамият бериш кераклигини кўрсатади.


## 5-жадвал.

Ота-оналарнинг фарзандига нисбатан муносабатлари кўрсаткичлари,  
Е.Шефернинг PARУ методикаси бўйича, n=300

№	Шкалалар	ота	она	t
1.	Бола фикрини гапириб олишга имкон бериш	17.87	<b>18.58</b>	4.31**
2.	Болани қийинчиликлардан сақлаш	17.89	<b>18.84</b>	2.43*
3.	Уй бекаси ролидаги она	16.32	<b>17.38</b>	3.63**
4.	Боланининг хоҳиш-истагини босиш	17.34	17.54	3.64**
5.	Ота-оналар“ўзини қурбон қилиши”	17.32	<b>18.68</b>	3.88**
6.	Болага зиён етказиб қўйишдан қўрқиш	17.81	<b>18.8</b>	3.41**
7.	Эр-хотинлик низолари	17.7	18.5	2.75**
8.	Ота-оналарнинг қаттиқўллиги	17.98	17.92	0.61
9.	Ота-оналарнинг сержаҳллиги	16.21	<b>17.8</b>	4.18**
10.	Болаларни она бошқаришлиги	17.96	18.9	<b>4.27**</b>
11.	Болаота-онага тобелигини рағбатлантириш	18.43	18.94	0.86
12.	Боладаги тажовузкорликни босиш	16.7	<b>17.28</b>	1.44
13.	Ота-онанинг “жабрланувчанлиги”	15.89	<b>16.96</b>	1.77
14.	Ота-оналар ва болаларнинг тенглиги	<b>18.57</b>	17.94	5.25**
15.	Бола фаоллигини рағбарлантириш	<b>18.24</b>	19.2	3.9**
16.	Бола билан мулоқотдан қочиш	17.11	17.24	0.52
17.	Эрнинг хотинга эътиборсизлиги	16.68	<b>18.94</b>	2.96**
18.	Боладаги шахвонийликни босиш	17.23	<b>18.54</b>	4.44**
19.	Онанинг ҳукмронлиги	17.06	<b>18.28</b>	4.2**
20.	Ота-онанинг бола ҳаётига аралashiши	17.43	<b>18.44</b>	3.48**
21.	Ота-она-бола ўртасидаги дўстона муносабат	17.64	<b>19.12</b>	5.92**
22.	Бола ривожланишини тезлаштириш	<b>17.47</b>	16.68	0.45
23.	Болани тарбиясида бошқалар ёрдами	17.91	<b>19.26</b>	5.62**
	Умумий ўртача кўрсаткич	17.38	17.83	2.25*


Изоҳ: \* -  $P < 0.05$  \*\* -  $P < 0.01$  \*\*\* -  $P < 0.001$

Тадқиқот ишида турмуш қуриш арафасидаги ёшларнинг оила муҳитида бажарадиган роллари ва уларни тақсимотини қай даражада тушунишларини аниқлаш учун Ю.Е.Алешина, Л.Я.Гозманларнинг “Оилада роллар тақсимоти” методикаси модификациясидан фойдаланилди. Методика 10 та бўлимдан иборат бўлиб, киритилган шартларда оталик, оналик, ота-оналик, эр-хотинлик, оилада биргаликдаги бажариладиган роллар киритилган, натижалар 2-расмда берилган.



**2-расм. Оилавий ролларнинг турмуш қурмаганларда баҳоланиши**

2-расмдан кўринадики, оилавий ролларнинг турмуш қурмаган йигит-қизлар фикрида кескин фарқлар кўринмайди. Бу ўз навбатида уларнинг оила қурганга қадар оилавий роллар, ота-оналик, эр-хотинлик муносабатларига доир фикрлари саёз бўлади. Кейинчалик, оила қуриш, биргаликда яшаш, ёш оила бўлса ҳам уларнинг фикрлари ўзгаргани, никоҳгача бўлган тасаввурларнинг реалликка дуч келгандаги трансформацияси ва ўзгаришини кўрсатади.




**3-расм. Оилавий ролларнинг турмуш қурганларда баҳоланиши**

Натижалар оилавий роллар баҳоланишида тафовутларни кўрсатди, яъни турмуш ўртоқларнинг бир-бирларини баҳолашда танқидий қараш кейинчалик ҳаётда муносабатлар кескинлашувига олиб келишини билдиради. Демак, ёшларни оилада биргаликда амалга оширадиган ота-оналик, эр-хотинлик,

хўжалик юрителиш ролларига ўргатиш зарурати юзага келади.

Учинчи бобнинг иккинчи бўлимида «Йигит-қизларни ота-оналикка тайёрлашда шахсга ва жинсга оид психологик хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари» установа ва муносабатларини аниқлашда турмуш куриш арафасидаги ёшларнинг шахсий фазилатларни прогнозлаш орқали оилавий ролларга оид муносабатларни ҳамда ўзларини субъектив баҳолашларини ўргандик. Бунинг учун психологик тадқиқотларда қўлланиладиган М.Кун ва Т.Макпартлендлар томонидан таклиф этилган «Мен кимман?» деб номланган психологик тестини қўлладик, 4-расм ва 5-расмга қаранг.




**4-расм. Респондентларда маскулин, феминин ва нейтрал сифатларнинг намоён бўлиши (% да)**

4-расмдан кўринадики, маскулинлик сифатларининг қизларда кузатилиши даражаси фемининлик сифатларининг йигитларда кузатилиши даражасига нисбатан юқори: маскулинлик қизларнинг 17,0 фоизида, фемининлик йигитларнинг 7,0 фоизида мавжуд, яъни, ўспиринлик ёш даврида қизларда фаоллик, ҳаракатчанлик, шиддатлилик, кучли шахслилик каби бир қатор психологик хусусиятлар намоён бўлади, бу хусусиятлар кўпинча уларнинг лидер бўлиш имкониятларига ҳам мос келади.

Шунингдек, қизлардаги маскулинлик кўрсаткичи оилали аёлларнинг маскулинлик кўрсаткичидан пастлиги (17,0 фоиз ва 21,0 фоиз) ва аксинча, оилали эркакларнинг фемининлик кўрсаткичлари йигитларнинг фемининлик кўрсаткичларига қараганда камлиги (4,0 фоиз ва 7,0 фоиз)дир. Бу натижа ўз навбатида қизлар оила қургандан кейин, уларда аёллик, бекалик, оналик вазифаларининг кўпайиши билан бирга, уларда ҳаракатчанлик, шиддатлилик, ташкилотчилик, агресивлилик каби бир қатор сифатларнинг кўпайиши ва натижада маскулинлашув кечиши кузатилади. Эркаклар эса оила қурганларидан кейин, агар нуклеар оилада яшасалар фемининлик пасаймаслиги, агар кўп поғонали оилада яшасалар, фемининлик камайиши ёки кескин пасайиб кетиши холлари кўринади. Чунки ижтимоий, оилавий роллар тақсимооти шундай холатни келтириб чиқишига таъсир этиши мумкиндир. Оилавий, ижтимоий, бошқа

роллар шахсни бажарадиган вазифалари ва ҳолатини ижтимоий қиёслаш жиҳатини кўрсатиб беради.



**5-расм. Оилавий, ижтимоий, бошқа ролларнинг намоён бўлиши (% да)**

